

**ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАРДА ЗООНИМЛАРНИНГ  
ЭТНОМАДАНИЙ КОДЛАШТИРИШ ФУНКЦИЯСИ****Чориев Жаҳонгир Асадуллаевич***Ориентал университети магистранти***Гавҳар Раҳматова***Илмий раҳбар: ф.ф.ф.д. (PhD), доцент***Аннотация**

*Мазкур тезисда араб ва ўзбек тилларидаги фразеологик бирликларда зоонимларнинг этномаданий кодлаштириш функцияси кўриб чиқилади. Зоонимлар турғун бирикмаларда инсон хусусиятлари, ахлоқий баҳо ва миллий тажриба ташувчиси сифатида талқин қилинади.*

**Калит сўзлар** *фразеология, зооним, этномаданий код, араб тили, ўзбек тили, маданий рамз*

Фразеологик бирликлар халқнинг жамоавий тажрибаси, ахлоқий мезони ва образли тафаккурини ўзида сақловчи тил қатламидир. Шу қатламда зоонимлар алоҳида фаоллик кўрсатади, чунки ҳайвон образлари инсонга хос сифатларни тез ва таъсирчан шаклда ифодалаш имконини беради. Диссертация материалларида ҳам зооним компонентли фразеологизмлар ва мақолларнинг халқ дунёқарашидаги ўрни махсус йўналиш сифатида ажратилган.

Қиёсий таҳлил жадвалида шер/асад, тулки/саълаб, бўри/зи'б, ит/калб, илон/ҳаййя каби зоонимларнинг етакчи коннотацияси ва символик вазифаси кўрсатилган. Бу маълумотлардан кўриниб турибдики, фразеологизмларда ҳайвоннинг биологик табиати эмас, балки жамият онгида шаклланган маданий сценарий асосий аҳамият касб этади.

Кодбукда F1 — фразеологик фаоллик, E1 — этномаданий боғлиқлик, P1 — прагматик вазифа каби мезонлар ажратилгани ҳам зоонимларнинг турғун бирикмаларда оддий метафора эмас, балки маданий код сифатида қатнашишини тасдиқлайди.

Шу маънода, “шер юрак”, “тулкидек айёр”, “илондай захарли”, “қўйдек ювош” каби бирикмалар орқали халқ инсонни табиатга таққослаш йўли билан баҳолайди. Бу эса зоонимларнинг этномаданий кодлаштириш функцияси жуда кучли эканини кўрсатади.

Зоонимларнинг семантик тараққиётида рамзий маъно алоҳида ўрин эгаллайди. Тадқиқотчилар таъкидлаганидек, айрим тил бирликлари вақт ўтиши билан муайян маданий мазмунни ифодаловчи барқарор тимсолларга айланади. Зоонимлар ҳам ана шундай бирликлар қаторига киради. Улар халқнинг тарихий

тажрибаси, ахлоқий қарашлари ва дунё ҳақидаги тасаввурларини ўзида мужассамлаштириб, авлоддан авлодга узатиб келади.

Лингвокультурологик жиҳатдан **خروف** *kharūf* қўй жуфтлиги итоаткорлик ва ювошлик ҳақидаги маданий қарашларни акс эттирувчи муҳим тимсоллардан бири ҳисобланади. Ҳар икки тилда ушбу зооним инсон хулқ-атворининг турли жиҳатларини ифодалаш учун хизмат қилади ва шу орқали халқнинг ахлоқий қадриятлари ҳамда баҳолаш мезонларини ёритиб беради.

Демак, **خروف** *kharūf* қўй зооними араб ва ўзбек тилларида мулойимлик, итоаткорлик ва беозорлик билан бир қаторда, мустақилликнинг сузлиги ва катъиятсизлик каби маъноларни ҳам ифодалаш мумкин бўлган кўп қиррали лингвомаданий бирликдир. Унинг рамзий мазмуни эса ҳар икки халқнинг маданий тафаккурида барқарор ўрин эгаллаган.

**جمال** *jamal* / **إبل** *ibīl* туя зоонимик жуфтлиги араб ва ўзбек тилларида муҳим маданий мазмунга эга бўлса-да, унинг рамзий аҳамияти икки халқнинг тарихий турмуш тарзи ва яшаш муҳити билан боғлиқ ҳолда турлича намоён бўлади. Мазкур зоонимнинг семантик тузилишида ҳайвоннинг табиий хусусиятлари билан бир қаторда, унга юкланган маданий ва тарихий маънолар ҳам муҳим ўрин эгаллайди.

Араб маданиятида туя қадим замонлардан буён инсон ҳаётининг ажралмас қисми бўлиб келган. Сахро шароитида узок масофаларни босиб ўтиш, юк ташиш, озиқ-овқат ва бошқа зарур эҳтиёжларни таъминлашда туянинг ўрни ниҳоятда катта бўлган. Шу сабабли араб тилида **جمال** *jamal* / **إبل** *ibīl* нафақат ҳайвон номи, балки сахро ҳаёти, чидамлилиқ, сабр-тоқат ва ҳаётий барқарорлик тимсоли сифатида шаклланган. Араб халқининг тарихий тажрибаси ва маданий хотирасида туя узок сафарларда инсоннинг энг яқин ҳамроҳи ва ишончли таянчи сифатида тасвирланади. Натижада туя образи арабларнинг дунёқараши ва маданий қадриятлар тизимида алоҳида мавқега эга бўлган барқарор рамзга айланган.

Араб адабиёти, шеърияти ва халқ оғзаки ижодида туя кўпинча сабр, матонат ва машаққатларга бардош бериш тимсоли сифатида учрайди. Сахродаги оғир шароитларга мослашганлиги сабабли у инсоннинг қийинчиликларга дош бериш қобилиятини ифодаловчи образ сифатида ҳам талқин қилинади. Шу жиҳатдан қаралганда, туя араб маданиятида нафақат иқтисодий ва маиший аҳамиятга эга ҳайвон, балки халқнинг тарихий хотираси ва маданий ўзлигини акс эттирувчи марказий рамзлардан биридир.

Ўзбек тилида ҳам туя зооними муайян маданий мазмунга эга. У кўпинча карвончилик, узок йўл, юк ташиш, оғирлик ва чидамлилиқ билан боғлиқ ҳолда қўлланади. Ўзбек халқининг тарихида Буюк Ипак йўли ва карвон савдосининг муҳим ўрин тутгани туя образининг шаклланишига таъсир кўрсатган. Шу сабабли туя кўпинча узок сафар, сабр-тоқат ва машаққатли меҳнат билан

боғланади. Бироқ унинг маданий аҳамияти араб маданиятидаги даражада марказий ўрин эгалламайди.

Лингвокультурологик нуқтаи назардан қаралганда, *جمال* *jamal* / *إبل* *ibīl* туя жуфтлиги ҳар икки тилда чидамлилиқ ва узоқ йўл тушунчаларини ифодаловчи муҳим образ ҳисобланади. Бироқ араб тилида ушбу зооним халқнинг тарихий турмуши, саҳро маданияти ва кундалиқ ҳаёти билан бевосита боғлиқ бўлгани сабабли янада чуқурроқ ва кенгроқ рамзий мазмун касб этган. Ўзбек тилида эса туя асосан карвончилиқ, юк ташиш ва сабр-тоқат билан боғлиқ тасаввурларни ифодаловчи образ сифатида намоён бўлади.

Демак, *جمال* *jamal* / *إبل* *ibīl* туя зооними араб ва ўзбек тилларида умумий маъноларни сақлаб қолган бўлса-да, унинг маданий аҳамияти ва рамзий салмоғи бир хил эмас. Араб тилида туя саҳро ҳаёти ва миллий маданиятнинг марказий тимсолларидан бири бўлса, ўзбек тилида у асосан чидамлилиқ, карвон йўллари ва узоқ сафар билан боғлиқ образ сифатида талқин қилинади.

*فرس* *faras* / *حصان* *ḥiṣān* от зоонимик жуфтлиги араб ва ўзбек тилларида энг бой маданий мазмунга эга бирликлардан бири ҳисобланади. Ҳар икки халқнинг тарихий ҳаёти, ҳарбий фаолияти ва ижтимоий тараққиётида отнинг муҳим ўрин тутганлиги ушбу зоонимнинг семантик ва рамзий тараққиётига бевосита таъсир кўрсатган. Шу сабабли от образи нафақат транспорт воситаси ёки уй ҳайвони сифатида, балки муайян ахлоқий ва маданий қадриятларнинг ифодачиси сифатида ҳам шаклланган.

Ўзбек тил-маданий манзарасида от алоҳида мавқега эга. Кўчманчи ва ярим кўчманчи турмуш тарзи, ҳарбий юришлар, овчилик ва узоқ сафарлар билан боғлиқ тарихий тажриба натижасида от халқ ҳаётининг ажралмас қисмига айланган. Натижада у мардлик, жасорат, садоқат, эркинлик ва ҳаракат тимсоли сифатида қаралади. Ўзбек халқ оғзаки ижодида, айниқса дostonларда қаҳрамон ва унинг оти бир-бирдан ажралмас образ сифатида тасвирланади. «Алпомиш», *Go‘ro‘g‘li* каби дostonларда от қаҳрамоннинг энг яқин ҳамроҳи, маслаҳатчиси ва ёрдамчиси сифатида намоён бўлади. Бу эса отнинг халқ хотирасидаги ўрни нақадар муҳим эканлигини кўрсатади.

### **Хулоса**

Фразеологик бирликларда зоонимлар халқнинг образли тафаккури, ахлоқий модели ва маданий хотирасини ифода этувчи барқарор код вазифасини бажаради. Араб ва ўзбек тилларида бу жараён умумий когнитив асосга эга бўлса-да, миллий муҳитга кўра ўзига хос мазмун касб этади.

**Адабиётлар**

1. Телия В. Н. Русская фразеология. Семантический, прагматический и лингвокультурологический аспекты. — М. : Школа «Языки русской культуры», 1996. — 288 с.
2. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати. — Тошкент : Ўқитувчи, 1978. — 405 б.
3. Маслова В. А. Лингвокультурология : учеб. пособие. — М. : Академия, 2001. — 208 с.